

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2026 йил февраль ойининг 16 куни жиноят ишлари бўйича Термиз шаҳар суди ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи А.Мирзаев, судья ёрдамчиси Н.Хасанованинг котиблигида, давлат айбловчиси Термиз шаҳар прокурорининг ёрдамчиси Р.Хусанов, судланувчи ХХХ ва унинг химоячи У.Кузимурадов, жабрланувчи ХХХ ва педагог К.Рамазанованинг иштирокида, ХХХга оид [REDACTED]-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

ХХХ, 1995 йил 23 октябрь куни Бойсун туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оиласидан ажрашган, вақтинча ишсиз, муқаддам жиноят ишлари бўйича Термиз шаҳар судининг 2015 йил 5 июндаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “г” банди билан айбли деб топилиб, иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, ЖКнинг 62-моддаси тартибида 2015 йил 14 май кунидан 4 июнь кунига қадар қамокда ўтирган 22 куни 2 ой 6 кунга тенглаштирилиб жазо муддатидан чегирилган ва ўташ учун 1 йил 9 ой 24 кун муддатга ахлоқ тузатиши ишлари жазоси қолдирилган, 2016 йил 29 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2015 йил 3 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма уч йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги Қарорига асосан жазони ўташдан озод қилинган;

2) жиноят ишлари бўйича Термиз шаҳар судининг 2022 йил 9 мартдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 166-моддаси 2-қисми “а” банди билан ЖКнинг 62-моддаси тартибида 3 йил 3 ой 21 кун озодликни чеклаш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Термиз шаҳар судининг 2022 йил 15 августдаги ажрими билан ЖКнинг 48¹-моддасига асосан озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган 2 йил 11 ой 6 куни озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Шеробод туман судининг 2023 йил 13 февралдаги ажримига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 74-моддаси 3-қисми “а” бандига асосан ўталмай қолган 1 йил 5 ой 8 кун муддати шу муддатга иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Термиз шаҳар судининг



2023 йил 2 августдаги ажримига асосан ўталмай қолган 2 йил 2 ой 26 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, ЖКнинг 46-моддаси 4-қисмига асосан шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Қарши туман судининг 2023 йил 24 ноябрдаги ажримига кўра, ЖКнинг 74-моддаси 3-қисми “а” бандига асосан ўталмай қолган 10 ой 5 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси шу муддатга иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Термиз шаҳар судининг 2024 йил 6 февралдаги ажримига кўра, ўталмай қолган 10 ой 5 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Термиз шаҳар судининг 2024 йил 17 октябрдаги ажримига кўра, ўталмай қолган 2 ой 24 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан ЖКнинг 73-моддаси 3-қисми “а” бандига асосан озод қилинган, Термиз шаҳар “Шифокор” маҳалласи Ж.Румий кўчаси 41-уйда яшайди, унга нисбатан “тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини олган, сўзидан соғлом, судга жавоб бера олади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 126¹-моддаси 3-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши материалларини ўрганиб чиқиб, ишда мавжуд бўлган далилларга ҳуқуқий баҳо бериб, томонларнинг музокара нутқларини ва судланувчининг охириги сўзини тинглаб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

XXX 2025 йил 11 ноябрь куни соат 24³⁰ларда ўзининг яшаш хонадони бўлган Термиз шаҳар “Шифокор” маҳалласида турмуш ўртоғи ХХХ билан ўзаро тортишиб қолиб, ХХХни боши ва танасининг бошқа соҳаларига кўли билан бир неча маротаба уриб, шу ерда турган ошхона пичоғи билан ХХХни ўнг кулоқ соҳасига ва чап оёқ сон қисмига бир маротаба уриб, судга оид тиббий экспертизанинг 21.11.2025 йилдаги 1824-сонли хулосасига кўра, ХХХга “Соғлиқнинг бузилишига сабабчи бўлган енгил” тан жароҳати етказган.

Судланувчи ХХХ суд мажлисида, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, 2019 йилдан буён ХХХ билан гаплашиб, у билан ишқий муносабатда бўлиб юриб, 2020 йил сентябрь ойида ХХХ билан шаръий никоҳдан ўтиб турмуш куриб, 2-3 йил мобайнида бирга яшаб келганлиги, 2024 йил ноябрь ойлари бошидан ХХХ билан ўзаро тортишиб жанжаллашиб юрганлиги, фарзандига



юришини, хоҳлаган вақтда уйига келишлиги, уйга келганида ҳам жанжал қилиши, онаси билан бир неча маротаба уйдан чиқариб юборганлиги, 2025 йил 11 ноябрь куни соат 12⁰⁰да ишдан чиқиб яшаш хонадонига келиб ўтирганлиги, бироздан сўнг, ХХХ келганлиги, шундан сўнг биргалашиб озроқ спиртли ичимлик истеъмол қилишганлиги, фарзандининг вафот этгани эсига тушиб кетиб, ХХХ билан яна тортишиб қолганлиги, жанжал вақтида ХХХ кўп ҳақорат қилганлиги, итариб юборганлиги, шу вақт хонада турган ошхона пичоғи билан аввалига чап сонига, сўнгра ўнг қулоғини орқа қисмига 1 маротаба уриб юборганлиги, уни кўрқитиб уйдан чиқариб юбориш мақсадида шу ишни қилганлиги, бу ҳолатни кўриб, маҳалладаги жиянларини чақириб, тез тиббий ёрдамни чақиршини айтганлиги, шундан сўнг Термиз шаҳар “А.Авлоний” маҳалласида яшовчи опасини уйига бораётган вақтида йўлда ИИБ ходимлари келиб, ходиса содир бўлган жойга олиб кетганлиги, ИИБ ходимларига ҳолат содир бўлган жойни кўрсатганлигини, қилган ишдан пушаймонлигини, ХХХнинг ўзига нисбатан даъвоси йўқлигини инobatга олиб, енгиллик беришни сўраб, кўрсатув берди.

Жабрланувчи ХХХ суд мажлисида, 2020 йилдан буён ХХХ билан бирга яшаб келишлиги, ўрталарида бир нафар фарзанди бўлганлиги, ўша вақтларда кўп касал бўлиб қолгани сабабли вафот этганлиги, шундан сўнг 2025 йил 11 ноябрь куни ХХХ билан биргаликда яшаш хонадонига спиртли ичимлик истеъмол қилиб, тортишиб қолганлиги, шундан сўнг ХХХ ёнида бўлган ошхона пичоғи билан қулоғининг орқа томонига ҳамда чап оёғига урганлиги, бироз вақт ўтиб қайнонаси келиб, тез тиббий ёрдамни чақирганлиги, ХХХ билан бўлган жанжал вақтида уйда ҳеч ким бўлмаганлиги, ҳозирда ХХХга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, унга нисбатан бўлган жиноят ишини тугатишни сўраб, кўрсатув берди.

Гувоҳ Н.Тоғаева суд мажлисида, 2025 йил 11 ноябрь куни қизи Н.Тоғаевани уйида бўлганлиги, ўғли ХХХ келиб ХХХ билан уришиб қолганлиги, кўлида бўлган ошхона пичоғи билан унинг оёғига урганлиги айтганлиги, шундан сўнг Термиз шаҳар “Шифокор” маҳалласига бориб, ХХХни зудлик билан тез тиббий ёрдам шифохонасига жўнатиб юборганлиги, қизининг уйига қайтаётган вақтида Термиз шаҳар ИИБ ходимлари келиб, ХХХни ҳолатга аниқлик киритиш мақсадида олиб кетганлигини баён қилиб, кўрсатув берди.

Суд давлат айбловчисининг хулосасини, судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатуви ва унинг ҳимоячиси адвокатнинг фикрини ва гувоҳларнинг кўрсатувини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, билдирги, жабрланувчини аризаси, тушунтириш хатлари, суд-тиббий экспертизасининг хулосаси, ходиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси ва унга илова фотосуратлар, сўроқ баённомалари ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар билан исботланган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи ХХХнинг содир этган жиноий ҳаракатининг юридик квалификациясини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи ХХХнинг жиноий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 126¹-моддаси 3-қисми билан тўғри квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги



қарорининг 2-бандида, жиноят кодексининг 10-моддасида назарда тутилган жавобгарликнинг муқаррарлик принципи ҳар доим ҳам жазо қўлланилиши шартлигини англатмаслиги, шу туфайли судлар, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган, етказилган зиённи қоплаган шахсларни ЖК 65, 66, 70, 71-моддаларига мувофиқ жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш масаласини муҳокама қилиши лозимлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Суд, ишни синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона кўриб чиқиб, ХХХ томонидан содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатларни эътиборга олиб, содир этган жиноятнинг оқибатларини тўла англаб етганлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, шахсини, етказилган зарар тўлиқ қопланганлигини, у томонидан содир этилган жиноят ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар туркумига киришини, жабрланувчи ХХХнинг даъвоси йўқлигини инобатга олиб, юқоридаги қонун ва Олий суд Пленумининг тушунтиришларига, қонуннинг инсонпарварлик ва одиллик принципларига риоя этган ҳолда ХХХни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 70-моддасига асосан жазодан озод қилишни;

- иш бўйича жабрланувчи ХХХнинг судланувчи ХХХга нисбатан даъвоси йўқлигини эътироф этишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 462-463, 465-468, 471-473, 497²-497⁴-моддаларига амал қилиб, суд

ҳ у к м қ и л а д и:

ХХХ Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 126¹-моддаси 3-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

ХХХ Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 70-моддасига асосан жазодан озод қилинсин.

ХХХга нисбатан нисбатан қўлланилган муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Жабрланувчи ХХХнинг судланувчи ХХХга нисбатан даъвоси йўқлиги эътироф этилсин.

Иш бўйича ашёвий далил тариқасида олинган бир дона ошхона пичоғи ҳукм қонуний кучга киргач йўқ қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан 10 (ўн) сутка ичида, судланувчи ва жабрланувчи ҳукмнинг кўчирма нусхаси топширилган кундан эътиборан шу муддат ичида Сурхондарё вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргач кассация тартибида протест ёки шикоятлар билан мурожаат қилишга ҳақлидир.

Раислик қилувчи

А.Мирзаев

